



Аллоҳ таоло «Моида» сурасининг 6-оятида шундай дейди:

**«Агар жунуб бўлсаларингиз, чўмилингиз!»**

Муттафақун алайх бўлган ҳадисда Оиша розияллоҳу анҳо айтадилар: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам агар жанобатдан ғусл қиласалар, аввал қўлларини ювар, сўнгра ўнг қўллари билан чап қўлларига сув олиб авратларини ювар эдилар. Кейин намозга таҳорат олгандай таҳорат олар, сўнгра сув олиб, бармоқларини соchlари остига киритар эдилар. Сочларининг ости тўлиқ ҳўлланганига ишонч ҳосил қилгач, бошларига уч ҳовуч сув қуяр эдилар, кейин бутун баданларига сув етказиб, охирида оёқларини ювар эдилар.

## Шарх:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ғусл қилишлари энг комил суратдаги ғуслдир. Ғуслни икки қўлни ювиш билан бошлар эдилар, сўнгра чап қўллари билан авратларини ювиб, сўнгра намозга таҳорат олгандек таҳорат олардилар, фақат оёқларини ювишни ғуслнинг охирига қолдирар эдилар. Кейин сув олиб, бармоқлари билан



соchlарининг тагларигача ишқалаб ҳўллар эдилар. Соchlари тўлиқ ҳўлланганига ишонч ҳосил қилгач, бошларига уч ҳовуч сув қуйиб ювар эдилар, кейин бутун баданларига сув етказиб, охирида икки оёқларини ювар эдилар.

**Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:**

1. Жунуб бўлган одам ғусл қилиши фарз.
2. Ғуслда баданнинг ҳамма жойига, шу жумладан бурун ва оғизга сув тегиши фарз.
3. Ғуслдан аввал таҳорат олиш суннат.